

## БУРҲОНУДДИН МАҲМУД АЛ-БУХОРИЙ НИСБАЛАРИНИНГ МАНБАЛАРДА ЁРИТИЛИШИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8407709>

**Эргашов Ҳасанбой Файзулло ўғли**

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Исломшунослик ва ислом  
цивилизациясини ўрганиш ICESCO” кафедраси докторанти*

### **Аннотация**

*Ушбу мақолада фақиҳ Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорий ҳаёти ҳамда у қолдирган илмий мероси ҳақидаги манбалар ёритилган. Шунингдек мақоланинг асосий қисмида олимнинг нисбалари тўғрисида ёзилган асарлар келтириб ўтилган.*

### **Калит сўзлар**

*Оли Моза, “ал-Муҳит”, Броккельман, Сарахс, Ҳидоя.*

### **КИРИШ**

Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорий маънавий мероси ҳақида кўплаб манбаларда хабар берилса-да, унинг шахсияти ва Шарқда Оли Моза номи билан шуҳрат қозонган оиласига доир маълумотлар деярли кам ўрганилган. Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорий гарчи ҳаёти давомида Бухоро ва Самарқандда яшаб ижод этган бўлса-да, алломанинг ўз асарларида келтирилган маълумотларга таянилиб, унинг 551/1156 йили ҳозирги Марғилон шаҳрида таваллуд топганлиги аниқланди. Жумладан, “ал-Муҳит” асарининг Миср кўлёзма нусхалари муқаддимасида хаттотлар томонидан битилган куйидаги фикр бунга асос қилиб олинди: “Марғинон имом Бурҳону-ш-шариъа Маҳмуд ибн Аҳмад ас-Садр ас-Саъид туғилган жой бўлиб, бу шаҳардан кўплаб фозил одамлар етишиб чиққанлар”<sup>140</sup>.

### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Хаттот Абул-Фатҳ Абдулқоҳир ибн Аби Бақр ибн Али Марғиноний Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорийнинг тўлиқ исмини ёзганда, “Марғиноний” нисбасини қўшади<sup>141</sup>. Бироқ аллома ҳақида маълумот берувчи табақот асарларда унинг туғилган жойи ҳақида хилма-хил фикрлар берилган. Бир гуруҳ тадқиқотчи ва табақот ёзган олимлар фақиҳнинг тўлиқ исмини Бурҳонуддин Маҳмуд ибн ас-Садр ас-Саъид Тожуддин Аҳмад ибн ас-Садр ал-

<sup>140</sup> Арабча матнларни ўзбек тилига тадқиқот муаллифи ўгирган.

<sup>141</sup> Маҳмуд ибн Тожуддин Аҳмад ибн Моза. Ал-Муҳиту-л-буҳорий. ЎзР ФА ШИ // Қўлёзма № 3102. – В. 1а.

Кабир Абдул Азиз ибн Умар ибн Моза Бухорий Марғиноний деб келтирадилар<sup>142</sup>.

Бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар эса Бурхонуддин Махмуд ибн ас-Садр ас-Саъид Тожуддин Аҳмад ибн ас-Садр ал-Кабир Абдул Азиз ибн Умар ибн Моза ал-Бухорий номи билан кифояланадилар<sup>143</sup>. Шунингдек, аллома борасида сўз айтилган кейинги давр фикхий асарларида уни “Сохиби Муҳит” номи билан ҳам зикр этадилар.

Тадқиқотчилар учун жиддий муаммо туғдираётган масалалардан бири ҳам фақиҳни туғилган жойи нисбаси билан аташдадир.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб хулоса қилиш мумкинки, Бурхонуддин Махмуд Бухорийнинг бобоси, Оли Моза оиласининг асосчиси Бурхонул-Кабир Султон Санжарнинг Мовароуннахрга уюштирган ҳарбий юришларида ҳамроҳлик қилиши натижасида Бухорога келиб ўрнашган. Аллома таваллудининг айнан, Марғилон шаҳри билан алоқадорлиги ҳам шу ҳарбий юришларга боғланади. Асли марвлик бўлган Оли Моза оиласидан чиққан садрлар ва фақиҳлар, жумладан Бурхонуддин Махмуд Бухорийнинг ҳам асосий фаолияти Бухорода кечганлиги боис аллома исмига Бухорий ва тўлиқ аталганда Марғиноний нисбасини қўшиш мақсадга мувофиқдир.

Муаллифнинг аниқ исми ҳақида, ханафий фақиҳлари тарихини ўрганувчи манбаларда ҳам баъзи ноаниқликлар учради.

“Табакотул-ханафийя” муаллифлари Қураший ва Лакнавийлар Бурхонуддин Махмуд Бухорийнинг исмини Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдул Азиз Абул Маъолий ёки Муҳаммад ибн ас-Садр ал-Кабир Тожуддин Аҳмад ибн Бурхонул-Ахимма Абдул Азиз деб берганлар<sup>144</sup>. Немис шарқшуноси Броккельман эса ўз тадқиқотларида унинг исмини Махмуд ибн Аҳмад ибн ас-Садр аш-Шаҳид Бухорий ибн Моза тарзида келтиради.

Бу олим маънавий мероси борасида олиб бориладиган кейинги тадқиқотларда чалкашликлар келтириб чиқариши мумкин.

Бурхонуддин Махмуд Бухорий яратган “Захиратул-бурхонийя” асарининг муаллиф яшаган даврга яқин вақтда кўчирилган нусхаларида

<sup>142</sup> Ал-А‘лом. – Ж.8.– Б.161; Исмо‘ил Пошо ал-Бағдодий. Ҳадйя ал-‘орифин. 2 жилдли. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-‘илмийя, 1981. Ж.2. – Б. 404 (Бундан кейин: Ҳадйя ал-‘орифин.); Ат-Тамимий. Ж.2.– Б. 85; Тоҳо. “Ал-Муҳит”. – Б. 7; Ма‘сумий. “Ал-Муҳит”. – Б. 67.

<sup>143</sup> Brockelmann, GAL. Ж.1. – Б. 642., Ж.3. – Б. 953., Ж.3. – Б. 228-302 ; Кашф аз-зунун. Ж.2. – Б. 823, 1619; Ал-Ансоб. Ж.3. – Б. 123; Тож ат-Тарожим. – Б. 70; Ал-Қураший. Ж.3. – Б. 284; Ал-Кафавий. – В. 98а - 1556; Заҳабий Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Қоймоз (673-748). Сияр а‘лом ан-нубало. 23 жилдли / Шу‘айб ал-Арноут ва Муҳаммад На‘им ал-Арқусий таҳрири остида. – Байрут: Мавсу‘а ар-рисола, 1992. Ж.12. – Б. 322 - 323.

<sup>144</sup> Ал-Фаво‘ид. – Б. 215; Ал-Қураший. Ж.3. – Б. 42.

унинг исми Маҳмуд деб берилади: “Фатово аз-захират” китоби саййидимиз ва мавломиз Бурҳонуддин Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Абдул Азиз ибн Умар ибн Моза Бухорийнинг китобидир ва бу китоб “Бурҳонийа” номи билан машҳурдир”.

“Ал-Мухит” асарининг Тошкент, Қоҳира, Покистон, Истанбул нусхаларида келтирилган маълумотларда ҳам фақиҳнинг исми Маҳмуд деб зикр этилган. Демак, Қураший ва Лакнавийларнинг олимнинг асл исми юзасидан билдирган фикрлари ноаниқдир. Броккельман қўллаган ас-Садр аш-Шаҳид нисбаси Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорийнинг амакиси Ҳусомуддин ас-Садр аш-Шаҳидга тегишли бўлиб, аслида фақиҳни Бурҳонуддин Маҳмуд ибн Аҳмад ас-Садр ас-Саъид ибн Моза Бухорий Марғиноний деб номлаш тўғри бўлади.

Демак, кейинги тадқиқотчилар аллома исмини Маҳмуд деб беришлари мақсадга мувофиқдир.

Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорийнинг таваллуд санаси тўғрисида ҳам турли фикрлар мавжуд бўлиб, Броккельман фақиҳни 570/1174 йили туғилган деб берса, мисрлик ва покистонлик тадқиқотчилар Тоҳо Аҳмад ал-Мағозий ва Муҳаммад Сағир Ҳасан ал-Маъсумийлар Абдулқодир Тамимийнинг “ат-Табақотус-санийа фи тарожимул-ҳанафийа” асарига ва “ал-Мухит” нинг Ҳиндистон ва Покистон нусхаларига таяниб, Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорийнинг туғилган санасини 551/1156 ва вафоти санасини 616/1219 йил деб кўрсатадилар. Юқорида номлари кайд этилган, ҳанафий фақиҳлари фаолиятини ёритувчи табакот асарларда ҳам олимнинг таваллуди билан боғлиқ сана аниқ берилмаган. Броккельман асарида ҳам унинг туғилган санасини беришда таянилган манба номи кўрсатиб ўтилмаган. Демак, мисрлик ва покистонлик тадқиқотчилар Тоҳо Аҳмад Мағозий ва Муҳаммад Сағир Ҳасан ал-Маъсумий тадқиқотлари ўрганиб чиқилгани ва илмий жамоатчилик томонидан ижобий қабул қилинганлигини ҳисобга олиб, фақиҳнинг таваллуд санасини 551/1156 йил деб бериш мақсадга мувофиқдир. Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорий ҳанафийлик мазҳабига доир фикрий асарларда Бурҳонуддин, Бурҳонул-ислом, Садрул-ислом, Садруддин, Бурҳонуш-шариъа номлари билан зикр қилинади. Бу унвонлар асар муаллифининг юқори илмий салоҳият соҳиби бўлганлигини кўрсатади<sup>145</sup>.

Маълум бўлишича, Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорийнинг бобоси Бурҳонул-Кабир Сарахса, сўнгра Ўзгандда Шамсул-Аъимма ва Шамсул-

<sup>145</sup> Кашф аз-зунун. Ж.2. – Б. 823; Ал-Ансоб. Ж.3. – Б. 123; Тож ат-тарожим. – Б. 70; Ҳадйа ал-‘орифин. Ж.2. – Б. 404; Ал-Фаво’ид. – Б. 205; Тошқубризода. – Б. 252.

Аъимма Бакр ибн Муҳаммад ибн Али ибн Фазл ибн Ҳасан Заранжарийдан (ваф. VI/XII) фикҳ илмини ўрганган<sup>146</sup>.

Шунингдек, Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорийнинг вояга етиши, фикҳ илми соҳасида машҳур бўлишида унинг Бухоро ва Самарқандда Оли Моза ёки Садрлар номи билан машҳур бўлган оиласи ҳам муҳим рол ўйнади. Бунга далил сифатида алломанинг қуйидаги фикрларини келтириш мумкин:

“Илм аввалгилардан кейингиларга доимо мерос бўлиб, катталардан нақл бўлишда давом этди ва ниҳоят менинг шаҳид ва са’ид садрларим ва ота-боболаримга (Аллоҳ уларни раҳмат ва розилиги билан ўрасин) етиб келди. Уларнинг ҳар бири (улардан Аллоҳ рози бўлсин) фикҳда ноаниқ қолган жойларни шарҳлашди, ёпиқ қолган жойларни очиб беришди. Уларнинг ёзган китоблари одамлар орасида кенг тарқалган бўлиб, фатвони мукаммал чиқаришда мурожаат қилинган. Хаёлимга ўзида шаръий масалаларни, ҳукмий ҳодисаларнинг асосийларини жамлаган, буюк манба ёзиб, ўзимни уларга ўхшатиш фикри туғилди. Токи бу нарса менга ҳозирги ҳаётимда ёрдам ва вафотимдан сўнг гўзал бир мерос бўлиб қолсин”.

Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорийнинг оиласи Бухорога кўчиб келгунига қадар “Оли Моза”, “Бани Умар ибн Марвон” номлари билан танилган<sup>147</sup>. Бундан кўринадики, сулола насл тарафидан V халифа деб эътироф этилган Умавий Умар ибн Абдул Азиз ибн Марвонга (ваф. 101/719-20) бориб тақалиши ҳақидаги фаразлар ҳам мавжуд<sup>148</sup>.

Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорийнинг фақиҳ сифатида танилишида унинг Самарқанддаги фаолияти муҳимдир. Бухорода Оли Моза оиласи билан маҳаллий олимлар ва сўнги Қорахонийларнинг хони ҳисобланган Қилич Арслонхон Усмон (599/609-1202/1212) ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашуви оиланинг Самарқандга келиб ўрнашишига сабаб бўлди<sup>149</sup>. Жумладан, “Захиратул-бурхонийя” асарида муаллиф мазкур масалага оид қуйидаги фикрларни келтирган:

<sup>146</sup> Ҳадйя ал-‘орифин. Ж.2. – Б. 404; Ат-Тамимий. Ж.2. – Б. 85; Тож ат-тарожим. – Б. 86; Ал-А‘лом. – Б. 36; Brockelmann, GAL. Ж.1. – Б. 642, Ж.2. – Б. 953; Муҳаммад Са‘ид ‘Абдулқуддус Ҳошимий. Рисола фикр ан-назар. – Исломобод: ал-Ҳидоёя, 1970. – Б. 901-913; Факир Муҳаммад Жилоний. Ҳадоиқ ал-ҳанафийя. – Лакнов: Ал-Иттиҳод, 1326/1908. – Б. 241; Ал-Фаво‘ид. – Б. 206; Ал-Қураший. Ж.3 – Б. 284; Заки Муҳаммад Ҳасан Бек. Ал-Осор ал-ҳакийма. – Қоҳира: Дор ас-салом, 1413/1993. – Б. 319; Са‘ид ал-Ҳошим Ан-Надвий. Тазкира ан-наводир. – Бағдод: Дор ал-‘араб, 1350/1931-32. – Б. 60; Ал-Қафавий. – В. 986-1556; Тошқубризода. Ж.1. – Б. 272, 273, 283; Каҳҳола ‘Умар Ризо. Мў‘жам ал-муаллифин. 15 жилдли. – Байрут: Дор ихёо ат-турос ал-‘арабий, 1980. Ж.13-14. – Б. 365, 795 (Бундан кейин: Ризо. Мў‘жам.); Ал-Заҳабий. Ж.12. – Б. 323.

<sup>147</sup> Абу Жа‘фар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий. Тарих ал-умам ва-л-мулук. – Байрут: Дор ал-фикр, 1399/1979. – Б. 347; Ал-Ҳусайний, 1985. – Б. 67.

<sup>148</sup> Ал-Ҳусайний, 1985. – Б. 69.

<sup>149</sup> Ömer Soner Hunkan (Karahanlılar). – Б. 389; Муминов, 2003. – Б. 199.

“Умримнинг гуллаган ёшлик даврида фатво беришни бошлаганимда мендан сўралган кундалик масалаларни тўплай бошладим. Уларга турдош ҳодисаларни кўшдим. Шунингдек, Самарқандда турган муддатимда сўралган бошқа фатволарни ҳам тўпладим”.

Оли Моза ва маҳаллий ҳукмдорлар ўртасидаги зиддиятларнинг қай даражада кескин бўлганлигини ўша даврда зарб этилган танга ёки пул бирликларида ва турли муҳр ҳужжатларида садрлардан чиққан бирорта ҳам олимнинг номи ёки куняси акс этмаганлигида ҳам кўриш мумкин<sup>150</sup>.

Демак, Оли Моза оиласи Бухородаги зиддиятлардан ҳимояланиш учун Самарқанд олимлари ва сиёсий муҳити билан алоқаларни мустаҳкамлаган бўлиши табиийдир. Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорий ҳам Бухородаги ички зиддиятлардан қочиб, Самарқандда узоқ муддат қозилик ва муфтийлик фаолиятини ҳам олиб борган. Натижада у Самарқанд ва Бухоро фикр мактаблари ўртасидаги фарқларни умумлаштириш имконига эга бўлган.

Манбалар унинг асарлари, асосан, Самарқандда битилгани, “Мухит” асарининг илк нусхалари ҳам шу шаҳар хаттотлари томонидан кўчирилганлигини тасдиқлайди. Масалан, хаттот Абу-л-Фатх Абдулкоҳир ибн Аби Бакр ибн Али Марғиноний 660-663/1262-65 йилларда Самарқанддаги ал-Амирийя мадрасасида “Мухит”ни китоб шаклига келтирган<sup>151</sup>.

Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорийнинг устозлари, асосан, ўз оиласидан чиққан фақиҳлардир. Аллома асосий билимни ўз отаси Садр Саъиддан олган<sup>152</sup>. Жумладан, Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорий устозлари ҳақида фикр билдиаркан: “...Шунингдек, Мабсут, икки “Жомий”, икки “Сийар” ва “Зийодот” асарларидаги масалаларни тўпладим. Уларга нодир масалалар (“Наводир”), фатволар ва ал-воқе’отдаги масалаларни киритдим. Шунингдек, асаримга падари бузурқворим, отамдан (Аллоҳ у кишини раҳмат билан ўрасин) истифода этганларимни ва менга замондош бўлган шайхлардан ёдланган дақиқ масалаларни ҳам кўшдим”, деб таъкидлайди.

Тарихчи Тамимий алломанинг отаси Садр ас-Саъиднинг йирик шогирдларидан ўз ўғли Маҳмуд ва машҳур “Ҳидоиа” асарининг муаллифи Бурҳонуддин Марғиноний исмини келтиради<sup>153</sup>.

Табақотларда Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорийнинг устозлари силсиласи қуйидаги тартибда берилади: Бурҳонуддин Маҳмуд ал-Бухорий ўз отаси

<sup>150</sup> Ömer Soner Hunkan (Karahanlılar). – Б. 390.

<sup>151</sup> Ушбу қўлёзма ЎЗР ФА ШИ фондида № 3102 рақам остида сақланади.

<sup>152</sup> Маъсумий. “Ал-Мухит”. – Б. 68; Ал-Кафавий. – В. 105а; Кашф аз-зунун. Ж.2. – Б. 1620.

<sup>153</sup> Ат-Тамимий. Ж.2. – Б. 107.



Садр ас-Саъиддан, амакиси Садр аш-Шаҳиддан, у Бурҳонул-Кабирдан, у Шамсул-Аъимма Заранжарийдан, у Шамсул-Аъимма дан, у Шамсул-Аъимма Ҳалвонийдан, у Абу Али ан-Насафийдан, у Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазлдан, у Абдуллоҳ ас-Субазмунийдан, у Абу Ҳафс ас-Сағирдан, у отаси Абу Ҳафс ал-Кабирдан, у Муҳаммад ибн Ҳасандан, у Абу Ҳанифадан, у Ҳаммод ибн Аби Сулаймондан, у Иброҳим Наҳаъийдан, у Шурайх ибн ал-Ҳорисдан, у Али ибн Аби Толиб ва Абдуллоҳ ибн Масъуддан, улар Муҳаммад алайҳиссаломдан илм ўрганганлар<sup>154</sup>.

Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорий 616/1219 йили 63 ёшида Бухоро ҳимояси учун мўғуллар билан бўлган жангда шаҳид бўлади<sup>155</sup>. Унинг шогирдлари кўп бўлишига қарамай, табакотларда фақатгина ўз ўғли Тоҳир ибн Маҳмуднинг номи зикр этилади холос. Ҳожи Халифа келтирган маълумотларда Тоҳир ибн Маҳмуднинг таваллуд санаси 503/1109-10 йил деб кўрсатилган<sup>156</sup>. Аммо тарихчининг бу фикри ҳақиқатдан йироқдир. Чунки унинг маълумоти таяниб, Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорий ва унинг ўғли туғилган саналар орасида тафовут юзага келади. Яъни Бурҳонуддин Маҳмуд ал-Бухорий ўз ўғлидан 47 йил кейин туғилган бўлиб чиқади. “Ал-Катоиб” асарида эса Тоҳир ибн Маҳмуднинг таваллуд санаси 1187 йил деб берилган<sup>157</sup>. Бу ҳақиқатга яқин ва аниқроқ маълумотдир.

Демак, Тоҳир ибн Маҳмуд туғилган санани 1187 йил қилиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Немис тадқиқотчиси Омелъан Притсак XI-XIII асрлардаги Бухоро тарихи ҳақида маълумот берувчи “Китоби Муллазода”<sup>158</sup> асарига таяниб, Оли Моза оиласи ҳақида қуйидаги фикрларни бериб ўтади:

“Оли Бурҳон ёхуд Оли Моза оиласининг асосчиси ва Бухоронинг илк садри, Садрул-Кабир ал-Муқаддам вал Мужтаҳид ал-Муъаззам Бурҳонул-Милла вад-дин Нўъмон ас-сонни Баҳрул-Маъоний Абдул Азиз ибн Моза Марвий Бухорий (ваф. 517/1123-1124) дир. Ундан сўнг унинг ўғли Ҳусомуддин Садруш-Шаҳид ибн Бурҳонул-Кабир Абдул Азиз ибн Умар ибн

<sup>154</sup> Ҳадйа ал-‘орифин. Ж.2. – Б. 404; Ат-Тамимий. Ж.2. – Б. 85; Тож ат-тарожим. – Б. 86; Ал-А‘лом. Ж.7. – Б. 36; Brockelmann. GAL. Ж.1. – Б. 642, Ж.2. – Б. 953; Ал-Фаво‘ид. – Б. 206; Ал-Қураший. Ж.2. – Б. 283; Ан-Надвий. – Б. 60; Ал-Кафавий. – В. 986-1556; Тошқубризода. – Б. 272, 273, 283; Ризо. Мў‘жам. Ж.2. – Б. 365, 795; Аз-Заҳабий. Ж.17. – Б. 322.

<sup>155</sup> Ҳадйа ал-‘орифин. – Ж.2. – Б. 404; Ал-А‘лом. Ж.7. – Б. 161; Аз-Заҳабий. Т. XVII. – Б. 322; Ризо. Мў‘жам. Ж.2. – Б. 147; Ал-Ансоб. Ж.3. – Б. 123; Ат-Тамимий. Ж.2. – Б. 85; Тоҳо. “ал-Муҳит” – Б. 36, 41; Ма‘сумий. “Ал-Муҳит”. – Б. 67.

<sup>156</sup> Кашф аз-зунун. Ж.2 – Б. 1637.

<sup>157</sup> Ал-Кафавий – В. 192а.

Моза (483-536/1090-1141 йй.) садрлик мансабига ўтирди ва Қатавон урушида шаҳид бўлди”.

Маҳмуд Таробий 1238 йилда Садр унвонини Оли Моза оиласидан олиб, Аҳмад ибн Убайдуллоҳ ибн Иброҳим Маҳбубийнинг ўғли Шамсуддин Маҳмуд ибн Аҳмад Маҳбубийга (ваф. 630/1232-33) берди. Шу тариқа Оли Моза оиласининг Бухорода диний-сиёсий ҳукмрон табақа сифатидаги фаолияти якун топди.

### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Абу Жа'фар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий. Тарих ал-умам ва-л-мулк. – Байрут: Дор ал-фикр, 1399/1979. – Б. 347; Ал-Ҳусайний, 1985.
2. Фақир Муҳаммад Жилоний. Ҳадоиқ ал-ханафийа. – Лакнов: Ал-Иттиҳод, 1326/1908.
3. Муҳаммад Са'ид 'Абдулқуддус Ҳошимий. Рисола фикр ан-назар. – Исломобод: ал-Ҳидойа, 1970.
4. Islamov Z. Codicological Analysis of Manuscripts of “Mukaddamatu-l-Adab” of Mahmud Zamakhshari in the Funds of the World //The Light of Islam. – 2020. – Т. 2020. – №. 2. – С. 30-36.
5. Islomov Z. International Islamic Academy of Uzbekistan—a result of the reforms worth to the centuries //The Light of Islam. – 2018. – Т. 1. – №. 1.
6. Islomov Z. The role of the international Islamic academy of Uzbekistan in the development of Islamic studies //The Light of Islam. – 2019. – Т. 2019. – №. 1. – С. 1.
7. Islomov Z. Source studies analysis of manuscripts of “muqaddimatu-ladab” in foreign archival funds //The Light of Islam. – 2019. – Т. 2019. – №. 4. – С. 41.
8. Islamov Z. et al. WRITING DOWN OF HADITHS IN THE VII-VIII CENTURIES: APPROACHES AND METHODS //PSYCHOLOGY AND EDUCATION. – 2021. – Т. 58. – №. 1. – С. 5536-5545.
9. Maxsudov D. Развитие исламоведения (корановедения) в Узбекистане: история и современность //Вестник КазНУ, Серия Религиоведение. – 2020. – Т. 21. – №. 1. – С. 60-67.
10. Maxsudov D. Razvitie islamovedenija (koranovedenija) v Uzbekistane: istorija i sovremennost' //Chabarşy. Dintanu serijasy. – 2020. – Т. 21. – №. 1. – С. 60-67.

11. Maxsudov D. The development of transmitted and rational tafsirs //The Light of Islam. – 2019. – T. 2019. – №. 1. – С. 9.
12. Makhsudov D. Muslim world scientists of the temurids period //The Light of Islam. – 2019. – T. 2019. – №. 3. – С. 4.
13. Makhsudov D. Manuscripts of abul barakat al-nasafi's works on furu'Al-Fiqh //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2023. – T. 12. – №. 1. – С. 31-34.
14. Mahsudov D. IX-XV асрларда Мовароуннаҳрда ёзилган тафсирларнинг хусусиятлари //Молодой ученый. – 2020. – №. 14. – С. 311-314.
15. Makhsudov D. R. Mufassirs of Mawarannahr //ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (80). – 2019. – С. 539-543.
16. Makhsudov D. R. МУФАССИРЫ МАВЕРАННАХРА В СРЕДНИХ ВЕКАХ //Theoretical & Applied Science. – 2019. – №. 12. – С. 539-543.
17. Makhsudov D. A GENIUS OF THE WORLD //Theoretical & Applied Science. – 2019. – №. 5. – С. 544-548.
18. Ugli A. Z. Z. THE PLACE OF ALIKHANTORA SOGUNIY IN THE HISTORY OF EAST TURKESTAN //Colloquium-journal. – Голопристанський міськрайонний центр зайнятості, 2020. – №. 24 (76). – С. 32-33.
19. Arslonov Z., Ergashev H. ALIKHANTORA SOGUNIY'S VIEWS ON POLITICAL GOVERNANCE IN EAST TURKESTAN //Студенческий вестник. – 2020. – №. 32-2. – С. 84-85.
20. Zokirjonugli Z. A. Approaches to studying the scientific heritage of Alikhantora Soguni //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2022. – T. 1
21. Zokirjonugli Z. A. APPROACHES TO STUDYING THE SCIENTIFIC HERITAGE OF ALIKHANTORA SOGUNI.
22. Arslonov Z. Z. THE PLACE OF ALIKHANTORA SOGUNIY IN THE HISTORY OF EAST TURKESTAN //Colloquium-journal. – Голопристанський міськрайонний центр зайнятості= Голопристанский районный центр занятости, 2020. – №. 24-2. – С. 9-11.